*Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!*

# ТУРКИСТОН

YOŞLARNING IJTIMOIY – SIYOSIY GAZETASI

1996 йил 4 май. Шанба. № 28 (14326)

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## ҒАЛАБА КУНИ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги катта хизматлари учун ва 9 май Ғалаба куни байрами муносабати билан:

1. Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, байналмилал жангчилардан бўлган ногиронлар энг оз иш ҳақининг 2,5 баравар миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирлансин.

2. Ушбу Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Ижтимоий таъминот вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ушбу мукофотнинг тўланишини таъминласинлар.

4. Дам олиш куни 1996 йил 12 май якшанбадан 1996 йил 10 майга кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 1 май.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

**Чернобиль фалокатининг 10 йиллигига бағишланган йиғилиш қатнашчилари**

## МУРОЖААТИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Биз, Чернобиль АЭСда рўй берган авария оқибатини тугатишда иштирок этганлар бу фожиали фалокатнинг 10 йиллиги муносабати билан тўпланиб Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни юксак азму қарор ва кўтаринки руҳ ила қўллаб-қувватлаймиз.

Чернобиль фалокати бебош радиация ношуд ва масъулиятсиз одамлар қўлида қанчалик хатарли эканлигини кўрсатди. Бу фожиа миллионлаб оилаларга зиён ва қайғу келтирди. Ўн йил ўтгандан сўнг ҳам бу фалокат мустақил давлатлар мамлакатлари халқларига келтирган иқтисодий ва ижтимоий зарарни ҳисоблаб чиқиш мушкул.

Биз, Чернобиль оқибатлари ўзимиз ва оиламизга қандай уқубатлар келтирганини бошқалардан кўра кўпроқ тушунган ҳолда Ўзбекистон ҳукуматининг ёрдами ва мададини муттасил ҳис қилиб турибмиз.

Республика раҳбарияти мавжуд иқтисодий қийинчиликларга қарамай МДҲ мамлакатлари ичида биринчи бўлиб Чернобиль фалокати ногиронлари ва қатнашчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалий чоралар кўрди ва бугунги кунда шу мақсадга катта маблағ йўналтиряпти.

Ғамхўрлик учун самимий миннатдорчилик билдирар эканмиз, ҳуқуқий, чинакам демократик жамият қуришдек эзгу ишда Сизга катта муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз.

# ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 май куни мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури ижро этувчи директори Жиоржио Жиакомеллини қабул қилди.

Президент Ислом Каримов БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури дунё миқёсида кенг фаолият юритаётгани, жумладан, Ўзбекистонда ҳам гиёҳвандликка қарши кураш борасида ўтказилаётган тадбирларда фаол иштирок этаётганини таъкидлади.

Учрашувда Марказий Осиёни қорадори маҳсулотлари олиб ўтиладиган ҳудудга айланишига йўл қўймаслик, минтақада наркобизнес кучайишининг олдини олишда БМТнинг наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича дастури билан ўзаро куч ва ғайратларни бирлаштиргандагина муваффақиятли курашиш мумкинлиги қайд этилди. Шунингдек, мазкур халқаро ташкилот билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.



*Суратда: Қабул пайти.* *Суратчи: Р. НУРИТДИНОВ.*

Қабулда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Малик ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

# ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Филиппин Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Самуэл Рамел 3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Президент Ислом Каримов элчини юртимизга ташрифи ва шарафли хизмат вазифасини бажаришга киришгани билан қутлади. Осиё минтақасидаги икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши Ўзбекистон ва Филиппин халқи манфаатларига хизмат қилишини таъкидлар экан, элчининг бу муносабатларни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятига муваффақият тилади.

Элчи Президент Ислом Каримовга Филиппин давлати ва халқи тарихи ҳақида сўзлаб берди ҳамда ўз мамлакати Марказий Осиёда муҳим ўрин тутган, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон билан алоқаларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини қайд этди.

***

Шу куни Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Ботирали Сидиқов ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов элчини юксак ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан қутлаб, Ўзбекистон ва Қирғизистон халқлари азалдан бир дарёдан сув ичиб, ўзаро дўст ва ҳамкор бўлиб келганини қайд этди. Юртбошимиз истиқлолни қўлга киритган икки мустақил давлат ўзаро муносабатларни янги ҳуқуқий асосда мустаҳкамлаш йўлидан бораётганини мамнуният билан таъкидлар экан, элчининг халқларимиз қардошлик ришталарини мустаҳкамлашда муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Элчи Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги тобора ривожланиб бораётган икки томонлама ва Марказий Осиё ягона иқтисодий ҳудуди доирасидаги ҳамкорлик муносабатлари азалдан қардош халқларимиз манфаатларига хизмат қилишини айтди. Шарафли ва айни пайтда масъулиятли элчилик фаолиятини Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратишини таъкидлади.

***

Норвегия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Пер Тресселт ҳам 3 май куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон раҳбари П. Тресселтнинг элчи этиб тайинланиши Ўзбекистон билан Норвегия Қироллиги ўртасидаги муносабатлар ривожига кучли туртки беришини таъкидлади. Элчининг ўзаро алоқаларнинг кенгайиши ва мустаҳкамланиши йўлидаги фаолиятида муваффақият тилади.

П. Тресселт Ўзбекистон Президентига Норвегия Қиролининг саломини ва икки мамлакат ўртасида ўрнатилган дипломатия муносабатлари ривожланаётганидан мамнуниятини етказди. Элчилик фаолиятида Норвегия ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги ва ҳамкорлиги алоқаларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш ниятида эканини айтди.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимларида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# МАЙДОНДА ҲОКИМЛАР...



Спортнинг теннис тури мамлакатимизда кун сайин ривожланиб , оммавийлашиб бормоқда. Айни пайтда водий ҳудудларида «Олтин водийда теннис» шиори остида «Челленжер» туркумидаги халқаро мусобақалар давом этмоқда. 6—8 май кунлари эса Тошкентда анъанавий «Ҳавас» турнири ўтказилади. 6 май куни пойтахтдаги «Динамо» стадионида бу мусобақани тантанали равишда очилиш маросими бўлади.

Шу муносабат билан кеча турнирга бағишланган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда «Ҳавас» анъанавий теннис турнири ташкилий қўмита раиси, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов журналистларни мусобақа олдига қўйилган вазифалар, унинг мақсадлари билан батафсил таништирди.

— Асосий мақсадимиз, — деди жумладан Ш. Каримов, — Инсон саломатлиги учун катта аҳамиятга эга бўлган бу спорт турини халқимиз орасида тобора оммавийлаштиришдир. Спортнинг бу тури билан барча —'етти яшардан етмиш яшаргача бўлган кишилар шуғулланишлари мумкин. Мақсад ким кучли эканлигини аниқлашгина эмас, шу билан бирга, мутасадди ўртоқларда теннисга бўлган қизиқишни ошириш ҳамдир.

Шунингдек, бу мусобақа кейинчалик вилоят марказларида ҳам ўтказилиши кўзда тутилган. Бунинг учун барча шарт-шароитлар етарли. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида халқаро стандартларга жавоб берадиган теннис кортлари қурилмоқда. Ўйлаймизки, яқин орада спортнинг бу тури халқимизнинг энг севимли ўйинларидан бирига айланиб қолади.

Матбуот конференциясида «Ҳавас» анъанавий теннис умуммусобақасининг бош ҳаками Генрих Дашевский мусобақани ўтказиш тартиби, ўйин қонун-қоидалари ҳақида йиғилганларга тушунтириш берди.

Шуниси қизиқки, турнирда Вазирлар Маҳкамаси ва парламент аъзолари, вилоят, туман, шаҳар, ҳокимлари йирик корхоналар раҳбарлари вакиллари уч гуруҳга бўлиниб куч синашади.

Ўйин томошалари барча томошабинлар учун бепул. Халқаро стандартлардаги майдонларда ҳокимлар беллашуви ниҳоятда кам учрайдиган ҳодиса. Фурсатни бой бермайлик десангиз бу қизиқарли баҳсларни албатта томоша қилинг.

Мусобақа финали 8 май куни «Юнусобод» теннис майдонида ўтказилади. Ғолибликка эришиш учун ҳокимларимиз анча тер тўкишларига тўғри келади.

**А. БОБОЕВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 3 майда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

Сотув ҳажми 27,44 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати — 37,50 сўм даражасида қайд этилди.

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

*Фармон ва ижро*

# ФУТБОЛ ШАРАФИ

**Озод ПАРМОНОВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокими, вилоят футбол федерациясининг президенти**

Футболга фақатгина спортнинг оддийгина бир тури сифатида қараш хатодир. Футбол, умуман спортнинг барча тури соғлом авлодни тарбиялаш, кўнгилларимизда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам халқ севган ўйин — футболга қизиқиш кучаймоқда.

Вилоят футбол федерациясини бошқариш менга масъулият, айни пайтда ҳузур бахш этади. Мен футболни ўзим туғилиб ўсган Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғида каттароқ болалар завқ билан тўп суришганини кўрган пайтларимдаёқ ёқтириб қолганман. Кейинроқ ўзим ҳам ўйинга қўшилдим, аввал мактаб жамоасида, сўнгра Москва ва Тошкентда талабалар жамоаларида ўйнадим.

Фақат мамлакатимиздаги эмас, чет эллардаги футбол янгиликлари билан ҳамиша хабардор бўлишга ҳаракат қиламан. Вилоятимизда футболнинг ривожини кам деганда 25 йилдан буён кузатиб бораяпман. Масъул лавозимларда ишлар эканман, кучим ва имкониятим даражасида шу соханинг ривожланишига таъсир кўрсатишга интилдим. Чунки Қашқадарёликларнинг соғлом бўлиши учун курашнинг энг жиддий бу жабҳасида ишнинг чеку-чегараси йўқ. Қашқадарё вилояти футболи эришган бугунги ютуқлар эндиликда бизни асло қониқтирмайди.

Футболни янада ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 17 январда қабул қилган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва тамойилларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти беқиёсдир. Биз жаҳондаги кўпгина давлатларнинг раҳбарлари спортнинг бу турини севишини, етакчи тренерлар, футболчилар билан дўстона муносабатда эканлигини, севимли командалари иштирокидаги ўйинларга жон деб боришларини биламиз. Бироқ, бизнинг ёш мустақил давлатимизда футболни ривожлантиришда республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов кўрсатаётганчалик жонкуярлик, чинакам оталарча ғамхўрлик дунёдаги бирор бир мамлакатда йўқ.

Шахсан Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда футболнинг жадал ўсиши ва ривожланиши, унинг халқаро майдондаги обрўси ортиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган умумдавлат даражасидаги қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Бу ғамхўрликлар ҳозирнинг ўзида яхши самара бермоқда. 1995 йилда Япониянинг Хиросима шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари спорт дунёсини ҳайратга солдилар. Мана шу зафардан сўнг фақат ажойиб футболчиларимиз ҳақидагина эмас, балки халқаро даражадаги футбол усталарини тарбиялаб етиштирган мамлакат ҳақида ҳам ғоят ҳурмат билан гапирадиган бўлдилар. Аҳолиси 1 миллиарддан ортиқ бўлган Хитой давлатининг раҳбари эса Президентимиз билан суҳбатда Ўзбекистон футболчиларининг битта олтин медали учун хитойликлар Осиё ўйинларида олган барча олтин медалларини беришга тайёр эканлигини изҳор этди.

Мана кўриниб турибдики, футбол фақат севимли ўйин бўлиб қолмасдан катта сиёсат ҳам экан. Афсуски, турли даражадаги раҳбарлар баъзан бу ҳақиқатни ҳамиша ҳам эсда тутишмайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 17 январдаги қарорини кенг маънода тушунмоқ лозим. Футболни зарур даражага кўтарсак, спортнинг бошқа турлари ҳам унинг орқасидан кўтарилаверади.

Ҳозир вилоятда хотиржамлик учун вақт йўқ. Биз шаҳар ва туман ҳокимларини вилоят ҳокимлигида суҳбатга чақириб, қарорни бажариш юзасидан биринчи даражали вазифаларни белгилаб олдик. Вилоятдаги ўйингоҳларни қисқа муддатда халқаро талаблар даражасида қайта таъмирлашга ва янгиларини қуриш билан шуғулланишга қарор қилинди.

Қарши шаҳридаги «Меҳнат» стадионини тубдан таъмирлаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу ишлар тугагач, унинг минбари илгаригига нисбатан қарийб икки баравар кўп томошабин сиғдира оладиган, майдони эса халқаро талабларга мувофиқ келадиган бўлади. Қўл тўпи, волейбол, баскетбол, бокс, кураш ва бошқа спорт турлари машғулотларини ўтказиш учун махсус заллар қурилмоқда ва жиҳозланмоқда. Қўшимча ёрдамчи бинолар ҳам барпо этилади. Бу ерда спортчилар ўйин тугагандан кейин дарҳол иссиқ душ қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Кийим ечиб, кийиладиган хоналар, ҳакамлар хоналари ФИФА талабларига мувофиқ жиҳозланмоқда, телефон ва телефакс алоқаси йўлга қўйилади.

Ишқибозлар ҳам унутилгани йўқ. Улар учун стадионда энг қулай имкониятлар яратилади — тамаддихонадан тортиб, танаффус пайтида турли-туман томоша тадбирлари ташкил этишгача ҳамма имкониятлар кўзда тутилган.

Қаршидаги «Геолог» ўйингоҳини янги мавсумга тайёрлаш учун ҳам кўп иш қилинди. Ўйингоҳ бу йил ҳамиша банд бўлади. Чунки «Меҳнат» ва Ғузордаги стадион таъмирланиб бўлгунга қадар, биринчи табақада қатнашувчи «Динамо -Насаф» ва «Шўртан» командалари иштирокидаги ўйинлар шу ерда ўтказилади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи раҳбариятининг куч-ғайрати билан Муборакдаги Б.Вафоев номидаги ўйингоҳ республикамиздаги энг яхши спорт иншоотларидан бирига айланди. Олий табақа мастерлар командалари сафида қатнашаётган Муборакнинг «Машъал» жамоаси янги стадионда ўзининг кўп сонли ишқибозларини чиройли ва самарали ўйинлари билан хушнуд этишни бошлади.

Шу йилдан бошлаб вилоят футбол федерацияси ҳам ҳуқуқий шахс мақомини олади, ўзининг муҳри ва банкдаги ҳисобига эга бўлади. Тўғри, вилоятимизда хўжалик ҳисобидаги федерация тузиш бироз кечикди. Ҳолбуки, республикамизнинг бир қатор вилоятларида, энг аввало, Фарғона водийсида Федерациялар кўп йилдан бери мавжуд бўлиб, футболга режали ва манфаатли раҳбарлик қилиш соҳасида улар бой тажриба тўпладилар. Шунинг учун ҳам Фарғонанинг «Нефтчи» ва Наманганнинг «Навбаҳор» жамоалари Ўзбекистон биринчилиги ва кубок мусобақаларида ҳамда халқаро майдонда муваффақият қозонганини асло тасодифий деб бўлмайди.

Биз эндиликда кўп йиллар мобайнида йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш учун икки-уч карра кўпроқ куч-ғайрат сарфлаб ишлашимиз керак. Вилоят футбол федерациясининг мақоми тез орада тубдан ўзгаради. Биз энг аввало бошқаришнинг буйруқбозлик услубидан воз кечишимиз, унинг демократик жиҳатларини кўпроқ ривожлантиришимиз керак. Худди мана шу соҳада футбол мутахассислари ва спортнинг бу тури фахрийлари тўплаган тажриба бизга қўл келади. Уларнинг ғайрат-шижоати ва амалий ёрдамисиз улкан футбол хўжалигини жойидан силжитишимиз қийин бўлади. Биз федерация мажлисларини расмиятчилик учун ўтказишдан бутунлай воз кечиш, бу ишни фақат вилоят марказидагина эмас, балки жойларда ҳам такомиллаштиришнинг долзарб масалаларини жамоа бўлиб ҳал қилиш ниятидамиз.

Республикада футболнинг профессионал асосда ўтиши спортнинг бу турини ривожлантиришга катта туртки бўлди. Афсуски, барча футболчилар ҳам буни тўғри тушунаётганлари йўқ. Уларнинг айримлари профессионал мақом олгандан сўнг касб маҳоратини ошириш учун кўп куч-ғайрат сарфламаса ҳам ўз-ўзидан моддий таъминотим яхши бўлиб кетади деб ўйламоқдалар.

Мен бу фикрни айтиб, вилоятимиздаги олий ва биринчи табақа жамоаларининг кўпгина ўйинчиларини хафа қилиш мақсадидан йироқман. Агар биз жиддий мавзуда жиддий гап бошлаган эканмиз, очиқ айтишим керак, ҳақиқий футбол профессионаллари бизда кўп эмас. Кўпчилик ўйинчилар профессионалчасига маош олиб, ишга ҳаваскорчасига ёндашишни ҳохлайдилар. Биз барча мавжуд воситалар орқали бундай носоғлом кайфият билан курашиш ниятидамиз. Яхши иш ҳақи ва мукофотни ишлаб топиш керак. Бироқ ўйинда ўзини кўрсата олган футболчилардан бирортаси ҳам иш ҳақи ёмонлиги ёки турмуш шароити йўқлиги туфайли вилоятимизни тарк этмайди.

Бизда болалар ва ўсмирлар футболи энг оғриқли муаммо ҳисобланади. Шу йилга қадар болалар устозлари меҳнатининг моддий ва маънавий жиҳатлари энг паст даражада эди. Шунинг учун ҳам яхшироқ даромад илинжида кўпгина мураббийлар ишлаб чиқаришга ёки тадбиркорликка ўтиб кетишди. Етарли маҳорати ва кучи бўлган бошқа бировлар эса мастерлар жамоаларида ўйнашни давом эттирдилар.

Шу йилдан эътиборан, болалар ва ўсмирлар футболида вазиятни тубдан яхшилаш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қиламиз. Футболга ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ишига алоҳида эътибор берамиз, уларни зарур жиҳозлар, тўплар ва кийим билан таъминлаймиз. Ёш футболчиларнинг ўйин тажрибасини орттириш мақсадида мусобақаларни кўпайтирамиз. Чунки спортчи ҳақиқий маҳоратни фақат мусобақада эгаллайди. Вилоят футбол федерацияси бу йил энг яхши болалар устози учун танлов эълон қилишни мўлжалламоқда. Энг яхши футбол мураббийларидан бештаси вилоят ҳокимлиги ва футбол федерациясининг дипломлари ва катта пул мукофотлари билан тақдирланади.

Ҳозир вилоятда футбол клубларини рўйхатдан ўтказиш ишлари жадал олиб борилаяпти. Бу эса меҳнат жамоаларида оммавий футболни ривожлантириш ишлари кескин яхшиланиши билан бирга, энг муҳими, болалар футболининг тараққий топишидан умидвор бўлишимизга асос беради. Болалар футболисиз эса Қашқадарё футболининг келгуси муваффақиятларини орзу ҳам қилиш мумкин эмас.

Бизда ўйинни нозик тушунадиган ва баҳолай оладиган ажойиб ишқибозлар кўп. «Геолог» стадионида Ўзбекистон кубоги ўйинларини кузатиб бунга яна бир бор амин бўлдим. Бошланган янги мавсум ҳаммага кўпроқ қувонч бахш этишига тилакдошман.

# БИЛДИРИШ

*Газетанинг 1996 йил 1 май сонида эълон қилинган «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси Устави» матни лойиҳа деб ўқилсин.*

*Мазкур лойиҳанинг сўнгги варианти рўйхатдан ўтказиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилган.*

